



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING
B U Y R U G ' I

2021 yil "13" 12

№ 279

Toshkent sh.

Болалар уйларини оптималлаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган Андижон, Фарғона, Наманган, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги Болалар уйлари фаолиятини ўрганиш хулосаларига ҳамда ушбу муассасаларда тарбияланаётган болалар сони кундан кунга камаётганлиги сабабли ўрин кунлар режаси бажарилмаётганлигини инобатга олиб, Болалар уйлари фаолиятини такомиллаштириш, уларни босқичма-босқич бирлаштириш, минтақалараро Болалар уйлари ташкил қилиш, шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда психофизик ривожланиши бузилган болаларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий, психологик-педагогик хизматларни янада яхшилаш, шунингдек сурункали касалликлари бор болаларни реабилитация қилиш йўли билан уларда ногиронликнинг олдини олиш мақсадида, **буюраман:**

1. Белгилансинки, Фарғона вилоятидаги 125 ўринли 1-сон Болалар уйи Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 75 ўринли 2-сон Болалар уйи билан;

Сирдарё вилоятидаги 30 ўринли Болалар уйи Тошкент вилоятидаги 80 ўринли “Кичкинтой” Болалар уйи билан 2022 йил 15 январдан бирлаштирилсин.

Бўшаган бино, ўрин жой ва штатлар доирасида бемор болалар учун тиббий реабилитация марказлари ташкил этилсин.

Тиббий реабилитация марказлари болалар уйларида барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Фарғона, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари Соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари (Х.Мамажонов, Р.Юлдашев, Т.Арзикулов):

Фарғона вилоятидаги 1-сонли Болалар уйи тарбияланувчилари Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 2-сонли Болалар уйига;

Сирдарё вилоятидаги Болалар уйи тарбияланувчилари Тошкент вилоятидаги “Кичкинтой” Болалар уйига ўрнатилган тартибда кўчирилишини таъминласин.

Инвентаризация яқунларига кўра, янги ташкил этилаётган давлат болалар учун реабилитация марказларини замонавий тиббиёт ускуналари билан халқаро молия институтлари кредит ва грантлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури доирасида жихозлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигига киритсин.

Фарғона ҳамда Сирдарё вилоятларида ташлаб кетилган болалар аниқланганда, улар белгиланган Болалар уйига ўтказилишига қадар Вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказларида парваришланиши белгилансин.

Оптималлаштирилаётган тиббиёт муассасалари, бўлимларга тегишли штатлар, барча асосий воситалар, шу жумладан мебель ва офис жиҳозлари, компьютер ва ҳисоблаш техникалари, тиббиёт ускуналари ва буюмлари, номоддий активлар ва бошқаларни ўрнатилган тартибда инвентаризациядан ўтказиш ҳамда янги ташкил этилаётган бемор болалар учун тиббий реабилитация марказлари ихтиёрига берилиши;

Фаолияти тугатилаётган Болалар уйларининг ходимларига ўрнатилган тартибда 2 ой олдин меҳнат шартномасининг тугатилиши тўғрисида “Огоҳлантириш хати” берилсин, қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган компенсациялари тўланиши кўзда тутилсин.

3. Фарғона ва Сирдарё вилоятлари Соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларига (Х.Мамажонов, Р.Юлдашев), Оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бошқармаси (М.Садиқов) икки ой муддатда мазкур бемор болалар учун тиббий реабилитация марказларининг мақоми, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низом лойиҳаси ишлаб чиқсин.

4. Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат хизмати (Р.Джуманов) Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (З.Гулямов) билан биргаликда оптималлаштирилаётган болалар уйларини мавжуд асбоб-ускуна ва жиҳозлари, қолдиқ пул маблағлари, дебитор-кредитор қарздорлиқлари санокдан ўтказилиб, болалар учун реабилитация марказларига далолатнома асосида топширилишини таъминласин.

3. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари Э.Баситханова зиммасига юклатилсин.

Вазир



Б.Мусаев